Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1997 йил 1 ноябрь, шанба ● № 87 (10.966) ● Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН-ВЕНГРИЯ:

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

***ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АРПАД ГЁНЦНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА***

30 октябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Венгрия давлат раҳбари Арпад Гёнц шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакатнинг Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросими ниҳоясига етгач, Ислом Каримов ва Арпад Гёнцнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Президентлар жаҳон сиёсатидаги долзарб масалалар, дунёвий муаммолар, хусусан, халқаро террорчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, минтақавий хавфсизлик, сайёравий миқёсда тинчлик ва барқарорлик хусусида, шунингдек, Марказий Осиё, Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларида кечаётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонга ташрифи учун А. Гёнцга миннатдорлик билдирар экан, мазкур ташриф ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига қатъий ишонишини айтди. Венгрия Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритаётган ички ва ташқи сиёсат, юртимиздаги ислоҳотлар жараёнини юқори баҳолаб, мамлакатимизга ташрифидан мақсад, Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат эканини таъкидлади. Шунингдек, А. Гёнц мамлакатимиз раҳбарига Венгрияга ташриф буюришни таклиф қилди. Таклиф мамлакатимиз раҳбари томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Президентлар иштирокида Ўзбекистон ва Венгрия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, бунинг учун мавжуд имкониятлар ва ҳар икки давлатнинг иқтисодий, ақлий, сиёсий салоҳиятини тўла ишга солиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

— Биз Венгрияни Марказий Европадаги ишончли ва муҳим ҳамкорлардан деб биламиз,— деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун барча соҳаларда катта имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, биз Венгриянинг Марказий Европа, қолаверса бутун дунёда тутган ўрнини юқори баҳолаймиз.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида дипломатик паспортга эга бўлган фуқароларнинг ўзаро визасиз сафари тартиблари тўғрисидаги Битим, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Венгриянинг саноат, савдо ва сайёҳлик вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Ислом Каримов ва Арпад Гёнц яккама-якка суҳбат чоғида ҳамда музокараларда кўриб чиқилган масалалар бўйича ҳар икки давлатнинг нуқтаи назари яқин ва ўхшаш эканлиги намоён бўлганини айтишди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов сўнгги кунларда Тожикистонда юз бераётган воқеалар ва мазкур воқеалар хусусидаги гапларга тўхталиб, жумладан бундай деди:

— Тожикистонда содир бўлаётган воқеалар — ушбу мамлакатнинг ички иши. Бироқ, сўнгги вақтда Россия оммавий ахборот воситаларида Тожикистондаги тартибсизликлар, хусусан, икки мамлакат чегараси яқинидаги можаролар Ўзбекистон томонидан рағбатлантирилади, деган фикрлар кўп айтиляпти. Бу чиқишларнинг қай мақсадда ва ким томонидан амалга оширилаётгани барчага маълум. Айрим сиёсий кучлар Марказий Осиёдаги шусиз ҳам мураккаб вазиятни издан чиқариш, минтақада кескинликни оширишни кўзлаб шундай йўл тутаётгани сир эмас.

Айрим мамлакатларда мавжуд ички муаммолардан, ҳокимият учун кураш ўйинларидан кенг жамоатчилик кўзини шамғалат қилиш учун мана шундай бўҳтонлар, сиёсий найранглар ўйлаб топилаётир. Ваҳоланки, нима бўлса-да, ўзбек тожикка, тожик эса ўзбекка ҳеч қачон қарши бормайди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, икки миллатни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш йўлидаги ғаразли мақсадлар ҳеч қачон самара бермайди.

Анжуманда Ислом Каримов Афғонистонда кечаётган воқеаларга ҳам тўхталиб, бу мамлакатдаги можароларни фақат музокаралар йўли билан бартараф этиш мумкинлигини таъкидлади.

— Бундан бошқа йўл йўқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — деди Ислом Каримов. — «Толибон» ҳаракатига келсак, шуни айтиш керакки, толиблар Покистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларидан бошқа ҳеч қайси давлат томонидан расмий ҳукумат сифатида эътироф этилмаган ва ташқи оламдан ажралиб қолган. Шу омилларнинг ўзиёқ бир кун келиб «Толибон» раҳбариятини музокараларга розилик беришга мажбур қилади.



Венгрия Президенти А. Гёнц ўзининг Ўзбекистонга ташрифи хусусида тўхталиб, унинг самарали бўлаётганини айтди.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Венгрия Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ҳамроҳлигида В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Олий мартабали меҳмон бирлашма фаолияти билан яқиндан танишар экан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик, автомобилсозлик, тоғ-кон металлургияси ва кўпгина бошқа соҳалар билан бир қаторда, самолётсозликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритаётганини эътироф этди.

Венгрия Президенти Арпад Гёнц Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди. Олий Мажлис Раиси Э. Халилов билан бўлиб ўтган учрашувда А. Гёнц Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи фаолияти билан танишди. Меҳмон мамлакатимиз қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар, хусусан, 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани ва бу борада амалга оширилган тадбирларга юқори баҳо берди.

Шу куни Венгрия Республикаси Президенти Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлди.

* * *

31 октябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцни расмий кузатиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Бош вазир Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди. Венгрия Президенти Арпад Гёнц улуғ бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу куни Венгрия Президенти Арпад Гёнц Бош вазир Ў. Султонов ҳамроҳлигида қадимий Самарқанд зиёратига йўл олди.

**(ЎзА)**

***СУРАТДА: ҳужжатларни имзолаш пайти.***

**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

---

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### 1,5 МИЛЛИОН ЖУФТ ТАЙЁРЛАНДИ

***АНГРЕНДАГИ «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари кенг истеъмол молларидан ҳисобланган калиш тайёрлаш суръатини ой сайин жадаллаштирмоқдалар.***

Бунда хом ашё ва материаллар етказиб берувчилар билан ҳамкорлик пухта йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди. Айниқса, Россиядаги қатор корхоналар билан тузилган шартномалар қўл келмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида маҳсулот тайёрлаш суръатининг ортиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 155 фоизни ташкил этди. Савдо шохобчаларига 1 миллион 556 минг жуфтдан ортиқ калиш етказиб берилди.

***Собир ҲАМИДОВ.***

### ДЎСТОБОДДА ЯНГИ КОРХОНА

***Яқинда Қуйичирчиқ тумани маркази Дўстобод шаҳрида «Гул-Мир дери» ўзбек-турк қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Корхона бир йилда 10 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот — 100 минг дона чарм курткалар ишлаб чиқаради. Шундан 7 миллион долларлиги чет давлатларга экспорт қилиниши, 3 миллионлик маҳсулот эса Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда. Терига ишлов бериш ва ундан маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ушбу корхонанинг очилиши 200 дан ортиқ дўстободлик ёш йигит-қизларни иш билан таъминлади.

Ўзбек-турк қўшма корхонасининг очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими муовини Бахтиёр Ҳосилов, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Умар Апайдин ва Қуйичирчиқ тумани ҳокими Қамбарали Омонов иштирок этди.

***Саиджон МУСТАФОЕВ.***

### ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА ДАВРА СУҲБАТИ

***Уруш ва меҳнат ногиронларига ва уларнинг оила аъзоларига яқиндан ғамхўрлик кўрсатиш Олмалиқ шаҳар ҳокимлигининг доимий эътиборида бўлиб келяпти.***

Ҳокимлик бу ишни янада кучайтириш ҳамда ўз-ўзини бошқариш органлари ва жамоа ташкилотларини ҳам жалб этиш мақсадида яқинда давра суҳбати ўтказди. Унда шаҳардаги маҳаллаларнинг раислари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг вакиллари қатнашдилар. Шаҳар шифокорлик меҳнат эксперт комиссиясининг раиси Эркин Бердиев ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлиғини тиклаш, оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш борасида қилинаётган ишлар ва шу соҳада рўй берган янгиликлар ҳақида сўзлаб берди, саволларга жавоб қайтарди.

Ҳокимлик ўтказган бу тадбирда маҳалла ўз-ўзини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари олдига моддий ёрдамга муҳтож ногиронлар билан иш олиб боришни янада кучайтириш ва изчил назорат қилиб бориш вазифалари қўйилди.

***Раҳим ҚОДИРОВ.***

### АВТОКОРХОНАЛАРДА КОНСЕРВА ЦЕХИ

***КЕЙИНГИ йиллар ичида «Тошвилюктранс» тизимидаги корхоналар халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.***

Бундай цехлар, айниқса, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари ҳудудидаги автокорхоналарда кўпайди.

Яқинда Алимкентдаги 46-автокорхонада мева, сабзавот маҳсулотларидан консерва тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилди.

***Саид АҲМЕДОВ.***

---

**Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 31 октябргача бўлган**

### МАЪЛУМОТ

*(режага нисбатан фоиз ҳисобида)*

**Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан бери**

| | | |
|---|---|---|
| **Юқоричирчиқ** | **0,67** | **105,60** |
| **Ўртачирчиқ** | **0,71** | **103,90** |
| Янгийўл | 1,06 | 89,18 |
| Чиноз | 0,76 | 87,35 |
| Бўка | 0,93 | 86,44 |
| Оққўрғон | 2,00 | 81,26 |
| Бекобод | 0,69 | 80,05 |
| Қуйичирчиқ | 1,00 | 77,49 |
| Пскент | 1,01 | 77,16 |
| Вилоят бўйича | 1,01 | 86,61 |
| 1996 йилда бўлган эди | 1,12 | 82,91 |

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Сўнгги йилларда ҳамдўстлик мамлакатларида аҳоли маблағларига нисбатан жуда кўп қаллобликлар содир бўлганининг гувоҳимиз. Турли қинғир йўллар билан сохта шуҳрат орттирган «фирма» ва «жамғарма»лар одамларга яқин орада олтин тоғлар, яъни катта миқдорда фоиз тўлашни ваъда қилиб, қўлларига тушган барча маблағларни ўзлаштириб, тўлов пайти келганда кўздан ғойиб бўлмоқдалар. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар, афсуски, бизнинг мамлакатимизда ҳам учраб турибди, «Цукурс-бизнес» ташкилотининг одамлар маблағини нопок йўллар билан қандай ўзлаштиргани, пировардида кенг жамоатчиликнинг лаънатига учрагани кўпчиликнинг ҳаёлидан кўтарилмаган бўлса керак, аммо Бухоро суғурта компанияси вакиллари ана шу нохуш воқеадан етарли сабоқ чиқармаган экан. Суғуртачилар соддадил одамлар кўнглини овлаб, уларнинг бўш маблағларини ўзлаштиргани, ўзларининг берган қоп-қоп ваъдалари устидан чиқмагани юзасидан тегишли идоралар олдида ҳисоб бермоқдалар. Мана шундай кўнгилсиз ҳодисалар такрорланмаслиги учун республика марказий банки яна бир бор эслатиб ўтади: ортиқча пулларингизни ишончли бўлмаган фирма ва жамғармаларга эмас, балки марказий банк руҳсатномасини олган ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака», «Замин», Халқ банки, «Ўзсаноатқурилишбанки», «Тадбиркор», «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Ўзмевасабзавотбанк», «Савдогар», «Алоқабанк», «Ўзсаёҳатинвестбанк», «Турон», «Ипак йўли», «Авиабанк», «Ўзенгилсаноатбанк», «Трастбанк», «Ўзуйжойжамғармабанк», «Сармоябанк», «Илмтехбанк», «Андижонбанк», «Наманганбанк», «Парвинабанк», «Умарбанк», «Олимбанк», «Ўтбанк», «Ўзприватбанк», «АБН Амробанк» ва «ЎзДЭУбанк»да сақланг.

---

## УЗР ЗИЁННИНГ ЎРНИНИ ТЎЛДИРМАЙДИ

***БЕШ қўл баробар эмас: айримлар борки, фақат, ўз фойдаси, ўз манфаатини ўйлайди. Ана шу ўй, фикр билан баъзида ножўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйганда ҳам ҳижолат бўлмайди. Ҳа, энди, ким билиб ўтирибди, деган ҳаёлга боради.***

*Фармон ва ижро*

Чиноз туманидаги Т. Эрназаров номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Йўлдош Шодмонов ана шундай тоифага кирувчи инсонлардан экан. Бўлмаса, молларини пахтазорга қўйиб юбориб, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг пайҳон этилишини кўрабила туриб, юраги ачишмасмиди? Пахта — бу элнинг, кўпчиликнинг ризқ-рўзи-ку! Қолаверса, ҳозирги кунда ҳар бир фуқаронинг фикри-ёди далада, қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олинишига ҳисса қўшиш билан банд. Эл-юрт қайғуси билан ёнган одамлар бу ишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшишдан кўнгиллари таскин топяптику! Наҳотки, хўжаликда яшаб, деҳқончиликдан туз-насиба топиб, рўзғор тебратаётган Йўлдош акага ўхшаганларга бундай ҳис-туйғулар бегона бўлса? Бепарволик шунчалик бўладими?! Унга тегишли моллар, ҳисоблаб кўришса, салкам 12 сотих пахта майдонини пайҳон этипти-я. Мутахассислар дарҳол бу зиённи ҳисоблаб чиқишди. Катта миқдорни ташкил этди. Калта ўйловчи Йўлдош Шодмонов иши судга оширилди.

Пскент туманидаги «Пскент» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Холида Усмонова ҳам ўзича чорвадорман, пода-пода қўйларим бор, деб юрибди-да. Лекин, шундай керилишга унинг ҳаққи борми? У чорва молларини ўз пешона тери билан топган ем-хашаги ҳисобига боқса бошқа гап эди. Ҳаво очиқ бўлди дегунча, уёқбуёққа аланглайди-да, пода-пода қўйларини «бор, ўз ризқларингни ўзларинг топиб е» деб экинзорларга ҳайдаб юборади. Назарида у ҳеч қандай ножўя иш қилмаётгандек...

Лекин, қўй-қўйда, жониворларни «терғаб» бўладими. Хаш-паш дегунча улар ҳали пахтаси тўла-тўкис териб олинмаган пайкалларга ўтиб кетади. Чаноқлардаги пахталарни юлқиб-ямлаб, ер билан битта қилиб тўкади. Назоратчилар бу ишдан тезда огоҳ бўлдилар. Қарангки, Холида опанинг қўйлари беш сотих пахтазорни пайҳон қилибди. 4300 сўм зарар келтирибди. Бу зарар ундириб олинди. Бундан ташқари суд орқали яна катта жарима солинди.

Ана шундан сўнг Холида Усмонова, Йўлдош Шодмоновнинг ҳам эс-хушлари «жойига» келиб, кўзлари мошдек очилгандек бўлди.

— Энди бундай бўлишига йўл қўймаймиз, мол-ҳолимизни қатъий назоратга оламиз. Узр, дейишди улар.

Лекин, бўлар иш бўлиб, бўёғи синган эди. Узр айтиш, қолаверса, жарима тўлаш билан келтирилган зиённинг ўрнини қоплаб бўлмайди-ку. Наҳотки улар буни тушунмасалар! Ахир ўтган йиллари ҳам бундай ҳоллар содир бўлган эди. Сабоқ чиқариш шунчалик қийинми?! Афсуски, қийин бўлаётгани рост. Холида, Йўлдошвойлар бир эмас, икки эмас, ўн эмас, ўн беш эмас, жуда кўпчиликни ташкил этишяпти.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрда чиқарилган «Экинларнинг пайҳон этилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони бўйича вилоятимиз ҳудудида текшириш олиб борар эканлар, ана шундай хулоса чиқаришга асос бўладиган ҳатти-ҳаракатларни аниқладилар. Вилоят ҳудудида жами бўлиб 276 та экинларни пайҳон қилиш ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Фуқароларга 156 минг 630 сўм жарима солинди. Бундай ҳолатлар, айниқса, Оққўрғон, Ўртачирчиқ, Бўка, Бекобод ва Чиноз туманларида кўп содир этилмоқда. Тўғри, ички ишлар ходимлари, ўз-ўзини бошқарув идоралари, маҳалла қўмиталари ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида Президент фармонининг бажарилишини таъминлаш нақадар муҳимлиги ҳақида катта тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ташкил этилган кузатув постлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Лекин, назаримизда, бу кўрилаётган чора-тадбирлар камлик қилаётганга ўхшайди. Текширувнинг самарадорлиги ва изчиллигини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Акс ҳолда айрим фуқаролар томонидан молларни ҳамон далаларга ҳайдаб юбориш, экинларни пайҳон қилинишига йўл қўйиш, бу ҳам майли-я, чорва молларининг даладан ўғирлаб кетилиши ёки йўқолиб қолиши сингари нохуш ҳолатлар ҳар бир туманда, ҳудудда тез-тез учраб турмаган бўларди.

Бунда жойлардаги хўжалик раҳбарларининг ҳам айби борлигидан кўз юмолмаймиз. Кўп ҳолларда улар талабчанликни бўшаштириб юбормоқдалар. Масъулиятни тўла-тўкис ҳис этмаяптилар.

Ортиқ бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмайди. Экинларнинг пайҳон қилиниши — бу халқнинг ризқ-рўзи қийилишига томошабин бўлиб туришдан бошқа нарса эмас. Бундай нохуш воқеаларнинг олди олинмас экан, келтириладиган зиённинг салмоғи камаймайди. Бу нафақат биз — ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, балки, қишлоқда яшайдиган ҳар бир фуқаро зиммасига катта масъулият юклайди.

***М. ҚОРАБОЕВ,***
***вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси катта нозири, милиция подполковниги.***

